Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 4-mart, seshanba № 29 (3378)

Аёлни, онани асраш дегани — бу фарзандларни асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир.
Ислом КАРИМОВ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1993 йил 4 мартдаги фармонига мувофиқ таъсис этилган мустақил Ватанимизнинг илк орденига «Соғлом авлод учун» номи берилгани истиқлолнинг дастлабки кунларидан олдимизга қўйган барча эзгу интилишларимизнинг мақсад-моҳияти жисмонан соғлом, маънан етук баркамол авлодни тарбиялашга қаратилганининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Соғлом авлод тарбиячиларига эҳтиром рамзи

«Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилганига 21 йил тўлди

Давлатимиз раҳбарининг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деган сўзлари халқимиз учун ўзига хос даъватга айланганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Зотан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳот ва янгиланишлар замирида, аввало, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган фарзандларимиз манфаати мужассам.

Мамлакатимизда тиббиёт, таълим ва спорт соҳаларининг бирбирига уйғун ривожлантирилаётгани ўғил-қизларни ҳар жиҳатдан соғлом тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда. Нуфузли халқаро ташкилотлар рейтингига кўра, Ўзбекистон болалар саломатлиги муҳофаланган етакчи ўн мамлакатдан биридир. Фарзандларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Бундай юқори натижалар мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт фарзанд тарбиясининг муҳим мезонларидан бирига айланганининг самарасидир. Уч босқичли узлуксиз тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақалари ёшларнинг барча қатламини оммавий спортга жалб қилишнинг энг самарали усули бўлиб, эндиликда бу тизим дунёнинг қатор мамлакатларида ноёб тажриба сифатида ўрганилмоқда.

Юртимиздаги 65 мингдан зиёд спорт секцияларида икки миллионга яқин ўғил-қиз спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Спорт билан шуғулланган болаларда касалланиш даражаси сезиларли даражада пасайгани, сўнгги ўн йилда мутлақ соғлом болалар улуши 11,2 фоизга ошгани ана шу ҳаракатнинг амалий натижасидир.

«Соғлом авлод учун» ордени соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ишига улкан ҳисса қўшаётган фидойи юртдошларимиз меҳнатини муносиб рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур орден билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш, Ватани равнақи учун хизмат қиладиган жисмонан, маънан ва ахлоқан соғлом авлодни камол топтириш йўлида фидокорона хизмат қилаётган инсонлар мукофотланади. Шунингдек, бошқа давлатлар фуқаролари ҳам мазкур мукофот билан тақдирланиши мумкин.

Орденнинг тасвирида ўзига хос рамзий маъно-мазмун мужассам. Тинч ва осойишта Ватанимизни чароғон қилиб турган қуёшнинг заррин нурлари остида фарзандини бағрига босган мўътабар она сиймоси соғлом болани тарбиялаш халқимизнинг эзгу амали эканига ишорадир. Боланинг юксакка — қуёшга интилаётгани келажакда буюк ишларга қодир эканидан далолат, мунис онанинг зурриёдига қараган меҳр тўла нигоҳида соғлом фарзандининг униб-ўсишига мустаҳкам ишончи барқ урган.

Орден бириктирилган дастанинг ички қисми яшил рангдаги товланувчи лента билан ўралган. Лентанинг ўртасида уйғониш тимсоли бўлган гуллаб турган ўрик новдаси тасвири туширилган. У яшариш ва янгиланиш рамзи бўлган яшил ранг фонида янада теран мазмун ифода этади.

Жамият ҳаётининг турли жабҳаларида юксак натижаларга эришаётган кўплаб юртдошларимиз соғлом авлод тарбиячиларига эҳтиром тимсоли бўлган ушбу мукофотга сазовор бўлди.

Хоразмлик Феруза Аллаберганова ўттиз йилдан буён Қўшкўпир туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабида бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ беради. Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 23 августдаги фармонига биноан II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.

— Мустақиллик йилларида соғлом ва баркамол авлод тарбияси умуммиллат ишига айланди, — дейди Ф.Аллаберганова. — Жорий йил Юртбошимиз ташаббуси билан Соғлом бола йили деб эълон қилиниши ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш масаласини бундан-да юқори босқичга олиб чиқади. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятлари, аввало, жисмоний ва маънавий соғлом, мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшларни тарбиялашга қаратилгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Ҳар бир халқнинг қудрати, буюклиги кўп жиҳатдан миллатнинг соғломлиги, маънавиятининг юксаклиги, навқирон авлоднинг қандай тарбия топганига боғлиқ. Мамлакатимиз ёшлари ҳар соҳада ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмайди ҳам. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, салоҳиятини юзага чиқариш, соғлом тарбиялаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик энг катта бойлигимиз. У барча соҳаларда эришаётган муваффақиятларимиз, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори юксалиб бораётганининг муҳим омилларидандир.

Бундай эзгу ва хайрли ишга муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бу борада халқ билан якдил, ҳамнафас иш юритаётган маҳалла ,фаоллари, профилактика инспекторлари фаолиятини замон талабларидан келиб чиқиб янада ривожлантириш давлатимизнинг алоҳида эътиборида. Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови бунинг амалий ифодаси бўлиб, мазкур тадбир орқали энг илғор тажриба ва ютуқлар оммалаштирилаётир.

«Туркистон» саройида мазкур танловнинг 2013 йил натижалари бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-майор А.Аҳмадбоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароит яратилганини таъкидлади. Айниқса, осойишталикни таъминлаш борасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида жамиятнинг энг муҳим бўғини бўлган маҳаллаларда ўзаро меҳр-оқибат муҳити қарор топиб, аҳоли тадбиркорлик, бунёдкорлик ишларига бел боғлаган бўлса, ёшлар ҳунар эгаллаш, спорт билан шуғулланиш, илм ўрганишда юксак чўққиларни забт этмоқда.

Буларнинг бари жамиятда маҳалла институтининг роли ва мавқеи юксалаётгани, ички ишлар идоралари ходимларининг мазкур тузилма билан ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамлангани натижасидир. Профилактика инспектори, маҳалла оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси ва посбонларнинг бир жойда, замонавий жиҳозлар ва зарур алоқа воситалари билан таъминланган биноларда фаолият юритаётгани боис учраётган муаммолар жойида, тезкорлик билан ҳал этилмоқда. Натижада, 2013 йилда 2 минг 230 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Мамлакатимиздаги мавжуд 3 минг 712 милиция таянч пунктларининг аксарияти ҳузурида факультатив тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун жиҳозланган спорт майдончалари фаолият юритаётгани бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мазкур кўрик-танловнинг мамлакат босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят босқичларида ғолиб бўлган 14 милиция таянч пункти иштирок этди.

Танлов якунига кўра, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Обод турмуш» маҳалласида жойлашган 147-милиция таянч пункти, Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги «Бувайдо» маҳалласида жойлашган 258-милиция таянч пункти, Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги «Мирмирон» маҳалласида жойлашган 44-милиция таянч пункти, Жиззах вилояти Жиззах туманидаги «Учтепа» маҳалласида жойлашган 133-милиция таянч пункти биринчи ўринга лойиқ топилди. Ғолибларга «Matiz» автомобиллари топширилди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан профилактика хизматининг ташкил этилгани ва тобора такомиллаштирилаётгани аҳоли тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилмоқда, — дейди Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Обод турмуш» маҳалласида жойлашган 147-милиция таянч пункти профилактика инспектори, майор Қобил Нуриддинов. — Соҳа инфратузилмаси замон талаблари даражасида ривожлантирилмоқда. Милиция таянч пункти ҳузурида турли тадбирлардан ташқари кичик бизнес шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш тизими ва спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Шундай шароитда ҳамжиҳатликда фаолият юритаётганимиз туфайли маҳалламизда жиноятчилик барҳам топиб, оилалар осудалиги таъминланмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш билан боғлиқ масалаларда ҳам ўзаро ҳамкорлик ўзининг самараларини бераётир.

Танловда иккинчи ва учинчи ўринлардан ташқари бир қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, улар муносиб тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ
(ЎзА) олган сурат

Осойишталигимизнинг ишончли посбонлари

Жамоа шартномаси — амалда

285 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган «Жиззахдон» очиқ акциядорлик жамиятида жамоа шартномаси ижросига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Йиғилишда жамият бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Юсупов мазкур ҳужжат ижросига доир ҳисобот берди.

Жумладан, болали аёллар ва ёшлар меҳнатини енгиллаштиришга эътибор бир қадар ортди. Ҳомиладор ва 14 ёшга тўлмаган болали аёллар тунги сменадаги ишга жалб этилиши, уч ёшгача фарзанди бор оналарни иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатилишига йўл қўйилмади. Корхона маблағи ҳисобидан ҳомиладор аёлларга туғишгача 70 кунлик, бола туғилганидан сўнг 56 кунлик таътил бериш амал қилмоқда. Ўн нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди.

Хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазасига эътибор ортгани учун ҳам ҳисобот даврида бирорта бахтсиз ҳодиса рўй бермади. Ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ходимларга шахсий ҳимоя воситалари учун 41 млн., бепул иссиқ овқат учун 120 млн. сўм маблағ сарфланди. Ёрдамчи хўжаликда 102 бош қорамол, 10 мингта товуқ парваришланаяпти. Корхонага ажратилган 12 гектар майдонда янги боғ барпо қилиниб, 3500 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Уч нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилиб, 9 нафарига сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланма берилди. Корхонага қарашли 120 ўринли «Коинот» болалар оромгоҳида ходимлар фарзандлари имтиёзли дам олдирилди, шу билан бирга, форишлик чўпонларнинг 40 нафар фарзанди ҳам саломатлигини тиклади.

Ҳисоботда ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам тилга олиб ўтилди. Чунончи, жамоа шартномасининг айрим бандлари бажарилмай қолган. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш фақат вақтбай қилиб белгиланганги анчагина ноқулайликни келтириб чиқармоқда. Янги қабул қилинадиган жамоа шартномасида бу каби ҳолларга барҳам берилиши зарурлиги таъкидланди.

Конференцияда ЎзКУФК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Ў.Адилов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши масъул ходими Т.Ниёзов, тармоқ Марказий кенгашининг Жиззах вилоятидаги масъул ташкилотчиси А.Турсунов иштирок этиб, эътиборга молик масалалар хусусида фикр билдиришди.

Эътиборга молик масалалар

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳашар

Яқинлашаётган Халқаро хотин-қизлар куни ҳамда Наврўз умумхалқ байрамига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан баҳорнинг илк кунида «Ҳар бир ходим бир туп кўчат экади» шиори остида ҳашар ташкил этилди.

Биз ҳам бир ёндан

Шу куни ҳар бир касаба уюшма фаоли «Боғишамол» болалар оромгоҳида бир туп кўчат ўтқазди.

Бундан ташқари, бирлашма биноси жойлашган ҳудуд ҳамда унинг атрофидаги Навоий шоҳкўчаси, бирлашма тасарруфидаги «Боғишамол» болалар оромгоҳига кириш йўллари ва экин майдонлари ҳамда ариқлар тозаланди. Жумладан, 7,8 га ер майдони, 1500 метр ариқлар тозаланиб, 1,5 тонна чиқинди чиқариб ташланди.

«Боғишамол» оромгоҳига 40 туп мевали ва 40 туп манзарали дарахт кўчатлари ҳамда 1000 туп каштан уруғи экилди. Оромгоҳдаги мавжуд мевали дарахтларга шакл берилди. 2 та иссиқхонада баҳорга тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Ҳамидулла МАТИСАЕВ,
Абдулҳай ЮНУСОВ

Бугуннинг устувор вазифаси

Бугунги глобаллашув шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмларини жорий қилиш, барча жабҳаларда, хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш, эл саломатлигини асрашнинг мақбул ва илғор тамойилларини татбиқ қилишда ижтимоий шериклик усулидан кенг фойдаланиш устувор вазифа ҳисобланади. Зотан, ижтимоий шериклик жамиятда барча секторлар, яъни бизнес, давлат тузилмалари ҳамда «учинчи сектор» — фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг юқори босқичи бўлиб, унда инсон манфаатларини таъминлашда барча бирдек масъулият билан ёндашади.

Ўзбекистонда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар туб замирида ҳам айнан мана шу ҳақиқат мужассам, десак муболаға бўлмайди. Бинобарин, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиб қолаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, умуман, хусусий мулк равнақи ҳамда муҳофазаси учун барча шарт-шароит муҳайё этилаётгани, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили амалда қарор топаётгани одамларнинг турмуш даражасини янада ошириш, жамиятда адолат ва ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг бош омилига айланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида билдирилган фикрлари юртимизда ижтимоий йўналтирилган асосда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар жадал ривожланиш, халқ фаровонлиги ва турмуш даражаси ҳамда сифати ўсиши учун омил бўлганини яна бир бор тасдиқлаб турибди. Маърузада билдирилган фикрлар, келтирилган мисоллар, истиқбол учун белгилаб берилган вазифалар айнан мана шу сиёсатнинг изчиллигини, жамиятда ижтимоий бирдамлик ва барқарорликни таъминлашга йўналтирилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимиз барча соҳаларда барқарор ўсиш суръатига эришмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида аҳолининг реал даромадлари 16 фоизга ошди, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоизга кўпайди. Муҳими, давлат бюджети сиёсатида ушбу соҳа устуворлиги таъминланмоқда. Алоҳида қайд этиш жоизки, агар йил охирида Ўзбекистонда пенсияларнинг ўртача миқдори ўртача иш ҳақига нисбатан 37,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда эса ушбу кўрсаткични 41 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Бу Марказий Осиёдаги қатор қўшни мамлакатлардагига нисбатан деярли икки баробарга юқоридир. Шунинг ўзиёқ давлатимизнинг катта ёшдаги авлод вакиллари учун муносиб ва фаровон ҳаётни яратишга бўлган интилишидан далолат беради.

(Давоми 3-саҳифада).

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг муҳим омили

Бурчга садоқат

Навоий шаҳрида муддатли ҳарбий хизматни тугатиб қайтган аскарларни кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Аскарлар кутиб олинди

Тантанавор безатилган темир йўл вокзалида навоийлик аскарларни оркестр садолари остида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ вакиллари ва ота-оналар кутиб олишди.

Тадбирни вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ходими Мирза Ашуров очиб, мамлакатимизда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳақида тўхталди ва аскарларни йигитлик бурчини аъло даражада бажарганлиги билан қутлади.

Шундан сўнг вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, сенатор Н.Тоғаева, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши вакили С.Ёқубов, карманалик аскар онаси М.Зиёевалар сўзга чиқиб, аскарликнинг шарафли бурчга айланаётганини алоҳида таъкидлашди. Тадбир сўнгида аскарларга касаба уюшмалари томонидан Президентимиз асарлари совға қилинди.

Шуҳрат ХАЛИЛОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари

Хотин-қизлар билан ишлаш

КОМИССИЯЛАРИДА

Ishonch
2014-yil 4-mart № 29 (3378)

Аёлни қадрлаш – миллатни қадрлаш

Аёл миллат юзидаги нур, қалбидаги офтобдир. Шу боис дунёдаги жамики яхшиликлар аёлга нисбат берилади. Мустақил Ўзбекистонимиз илк қадамларини Аёлга, Онага эъзоздан, ҳурматдан бошлаганида рамзий маъно бор. Негаки, жамиятнинг маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, меҳнатни оилавий юмушлар билан уйғун ҳолда олиб бориш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароит яратилган. Президентимизнинг «Ҳар қандай жамоани, ҳар қандай жамиятни аввало аёллар обод этади», деган сўзлари уларнинг жамиятда ва оилада тутган ўрнини белгилайди.

Айни дамда Республика касаба уюшмалари тизимида минглаб фидойи аёллар фаолият кўрсатиб, жамият ривожига ҳисса қўшмоқдалар. Касаба уюшмаси аъзолари орасида эса миллат тарбиячисидан тортиб давлат арбобигача, академик олимлардан тортиб корхоналар, ташкилотлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари, фермерлар, шифокорлар, илм-фан, маданият, таълим соҳаси вакилларигача бор. Қўйинги, касаба уюшмасига аъзо бўлиб, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида меҳнат қилаётганларнинг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган хотин-қизлар мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Эзгулик маъбудаларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоячиси бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгаши эса ишловчи аёлларнинг энг яқин ва ишончли кўмакчиси бўлишга интилмоқда.

Хотин-қизлар кенгаши ҳамда унинг ҳудудий комиссиялари ўз фаолиятини хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, меҳнат бозоридаги рақобатда улар манфаатини ҳимоялаш, хавфсиз меҳнат шароити, иш берувчининг уларга адолатли муносабатда бўлишини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, саломатлигини тиклаш масалаларида фаол иштирок этмоқда. Тараққиётнинг янги босқичида фаолият кўрсатаётган ҳудудий комиссиялар раислари қандай орзу-мақсадлар йўлида меҳнат қилмоқдалар? Жамият, оила ва фарзандлар олдидаги бурчларини қандай идрок этяптилар?

Қуйида ушбу йўналишларда амалга оширилаётган ишлар билан танишасиз.

Заковатли, элпарвар

Маъмура ТУРҒУНОВА, Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси:

— Аёли соғ оила хотиржам, онаси заковатли фарзанднинг келажаги порлоқ бўлади. Аёллар ҳимояланган юртнинг келажаги барқарор, тараққиёти бардавомдир.

Мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқи Конституциямиз, Оила, Меҳнат кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳимояланган. Аёллар ҳуқуқларини эътироф этиш бўйича жаҳон миқёсидаги асосий ҳужжатлардан бири – Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция талабларининг вилоятда амалга оширилиши юзасидан Наманган ВКУТБ ҳамда вилоят адлия бошқармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, бултур мазкур ташкилотлар билан ўн бир маротаба семинар ва учрашувлар ташкил этилди.

Бугунги кунда аёллар иқтисодиётнинг турли соҳаларида меҳнат қилмоқда. Жумладан, саноатда 6200, қишлоқ хўжалигида 29100, кичик ва ўрта бизнес соҳасида 5776, касаначиликда 15305, соғлиқни сақлаш соҳасида 22518, таълимда 24694 ва бошқа турли соҳаларда 5499 нафар аёл иш билан банд.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида 2-3 ёшгача бўлган фарзанди бор 890 нафар ёш онага 638 та корхонада 100 млн. 700 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 3173 нафар боқувчисини йўқотган аёлга 1510 та корхонада 99 млн. 800 минг сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. 122 та корхонада 250 нафар ёш болали аёллар учун 35 соатлик меҳнат ҳафтаси белгиланди. Бу мақсадни амалга ошириш учун 27 млн. 100 минг сўм сарфланди.

Истиқлол байрами арафасида кам таъминланган оила вакили бўлган 22 нафар аёлга 10 млн. сўмлик кир ювиш машиналари топширилди.

Касаба уюшмаларининг устувор вазифаларидан бири меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, жисмоний ва маънавий соғломлаштиришдир. Ўтган йилда 682 нафар аёл соғломлаштирилди. Улардан 71 нафарига йўлланмалар бепул берилди.

Ўтган йил давлат дастурига биноан кам таъминланган 30 нафар аёл, 18 нафар тиббиёт ходими, 55 нафар фермер, 12 нафар фарзандсиз ёш оила, 64 кичик тадбиркор ва ходим санаторийларга 103 млн. 228 минг сўмлик йўлланма билан таъминланди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганлиги, айниқса, қувончли ҳолдир. Улар қонун доирасидаги ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тобора теранроқ англаб боришмоқда. Буни улар томонидан амалга оширилаётган мурожаатлар мазмунидан ҳам сезиш мумкин. Касаба уюшма органларига меҳнат шартномасининг бузилиши, бошқа ишга ўтказиш ва интизомий жазо каби масалалар юзасидан 30 та мурожаат қилинди. Улардан 24 таси ижобий ечим топди. Иш жойидаги зиддиятларга оид 8 та мурожаат, иш вақти, дам олиш ва меҳнат таътили бўйича 11 та мурожаатнинг ҳаммаси ходимлар фойдасига ҳал этилди. Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги 10 та мурожаатнинг 7 таси, меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасидаги 9 та мурожаатнинг 6 таси қаноатлантирилди. Санаторий, курортларга йўлланмалар тақдим қилиш юзасидан 5 та мурожаат, меҳнат қонунчилиги юзасидан бошқа масалалар бўйича 12 та мурожаат ижобий ечим топди.

Шунингдек, 2013 йилда «Ишонч телефони»га хотин-қизлар томонидан 89 та мурожаат амалга оширилди. Барча мурожаатлар тегишли мутахассислар томонидан изчил ўрганилиб, керакли ҳуқуқий кўмак кўрсатилди.

Иштиёқимиз баланд

Насиба ГАИРОВА, Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси:

— Аёл қачон бахтли бўлади? Қачонки оиласи тинч, юрти фаровон, фарзандлари соғлом бўлса. Фаолиятимиз тўлалигича ана шу эзгу мақсадга қаратилган.

Комиссиямиз таркибида ўн бир нафар фаол аёл бор. Ҳар биримиз аниқ вазифалар асосида ишлаймиз. Хотин-қизлар учун яратилаётган турли қўшимча, ижтимоий имтиёзлар вилоят тармоқ касаба уюшмалари, ташкилот, корхона ва муассасаларда иш берувчилар билан барча бўғин касаба уюшма ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик тамойили асосида тузилган тармоқ ва жамоа келишувлари, жамоа шартномаларида ўз аксини топмоқда. Чунончи, аёлларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳомиладор ва ёш болали аёлларга қўшимча таътиллар бериш, 12 ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган ишловчи аёлларга қўшимча меҳнат таътиллари куни белгилаш ёки қўшимча дам олиш куни бериш каби бандларнинг киритилганлиги шулар жумласидандир.

Жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, уларга иш ва ўқиш жойларида соғлом ва хавф-хатарсиз шароит яратиб бериш, иш билан таъминлаш, дам олишни ташкил қилиш, соғломлаштириш масалалари киритилиб, улар ижроси таъминланмоқда.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят тармоғи тизимида жамоа шартномаси ва келишувларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қўшимча имтиёзлар, кафолатлар яратилиши борасидаги ишлар ўрганилиб, комиссия йиғилишида муҳокама этилди. Тармоқда ибратли ишлар амалга оширилгани баробарида ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлиги маълум бўлди. Аҳволни янада яхшилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Хотин-қизлар орасида маънавий-маърифий ишларни жонлантириш, истеъдод соҳибаларини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Бунда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда «Ҳуқуқий демократик давлат», «Турмуш тарзи», «Ҳуқуқий маданият нима?», «Конституция ва қонун устуворлиги» каби мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этилди. Тармоқ касаба уюшмаларида ўтказилган «Соғлом она — соғлом бола» спартакиадаси амалий тарғибот вазифасини ўтади.

Фаолиятимиз серқирра. Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ишларимизни янада жонлантириш иштиёқи бизни янги марраларга чорламоқда.

Сиз борки, олам мунаввар

Муяссар ҚОДИРОВА, Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси:

— Ўн бармоғи ўн ҳунар бўлган Сурхон аёлларининг орзу-умидлари фарзанд камоли, юрт тинчлиги билан вобаста. Шу боис гўзаллик айро қадрланадиган воҳамизда онага, аёлга чуқур эҳтиром ўзгача. Бу ҳақиқат касаба уюшмалари фаолиятида ҳам устуворлик касб этаётир. Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот, муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларига ишловчи хотин-қизларга хавфсиз меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиш, меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, қўшимча имтиёзлар бериш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, маданий-маърифий имкониятини кенгайтириш масалалари киритилишига эришаяпмиз. Шу билан бирга, уларнинг бажарилиши устидан ҳам жамоатчилик назорати ўрнатилган.

Бирлашма ҳамда Марказий кенгаш вакилликлари ва бошланғич ташкилотлари тасарруфида 476 минг 494 нафар хотин-қизлар фаолият олиб бормоқда. Жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари орқали 4 ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилган. Зарарли шароитларда ишлаётган аёллар махсус кийимбош, сут ва қатиқ маҳсулотлари билан таъминланган. Муҳими, ойлик иш ҳақининг 20 фоизигача даромад солиғи ундирилишида имтиёзлардан фойдаланмоқда. 2 ёшга тўлмаган боласи бор ишловчи аёлларга дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффуснинг ташқари, ҳар 3 соатда болани овқатлантириш учун 30 дақиқадан танаффус белгиланган. Ишлаётган аёлларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, иш жойларида санитария-гигиена қоидаларини таъминлаш борасидаги қонун талабларига мувофиқ, иш берувчилар олдига 36 та таклиф киритилиб, ижобий натижаларга эришилди. Бирлашма кенгашида ҳуқуқий маслаҳатхона ва «Ишонч телефони» орқали 54 нафар хотин-қизга ҳуқуқий маслаҳат берилди ва ёрдам кўрсатилди.

Комиссия мутасадди идора ва ташкилотлар билан биргаликда аёлларнинг иш билан бандлик даражасини ошириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда янги ташкил қилинган иш ўринларида ишлаётган хотин-қизларнинг манфаатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Термиз шаҳри ва туманида ажойиб тадбир ўтказди. «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида 4748 нафар аёлга ўз салоҳиятини баҳолаб олишига кенг имконият яратиб берилди. 2918 нафар аёл касаба уюшмалари томонидан моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Ангор педагогика касб-ҳунар коллежида ташкил этилган бадиий гимнастика тўгарагида спорт билан шуғулланаётган 10 нафар қизга махсус спорт кийимлари совға қилингани ҳам ибратга лойиқ иш бўлди.

Комиссия ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда корхона, ташкилот ва муассасаларда «Соғлом она — соғлом келажак», «Соғлом ва мустаҳкам оила — мамлакат барқарорлиги гарови», «Оила маънавияти», «Соғлом оила — соғлом зурриёд»,«Оила маънавияти», «Соғлом оила» мавзуларида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказмоқда. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ аёллар учун якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 1140 та янги иш ўрни ташкил этилди. Зеро, аёл ишли бўлса, оила мустаҳкам, турмуш фаровон, фарзандлар баркамол бўлади.

Нозик таъб соҳибалари

Дилбар ТЎХТАЕВА, Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси:

— Қашқадарё ўзига хос анъаналарга эга воҳа. Аёлларимиз қўл меҳнатининг устаси. Улар тўқиган гиламлар, тиккан кашталар кўзни қувнатади. Бахшилари дўмбира чалиб, достон айтса, аёллари чанқовузда кўнгилни сел қилади. Бундай нозик таъб эл билан тиллашмоқнинг ўзи бўлмайди.

Фаолиятимиз давомида бир ҳақиқатни англадик. Аёлга эътибор уни жамиятга боғлайди. Меҳнатидан ёлчиган, меҳнати муҳофазаланган аёл ишлаб чарчамайди.

Бирлашма кенгаши юридик бўлими билан ҳамкорликда 7 нафар ёш оилага меҳнат қонунчилигида берилган имтиёз ва кафолатлар тўғрисида маслаҳат берилди. Вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси билан ҳамкорликда Қарши шаҳри, Касби, Нишон туманларида «Бизнес режа тузамиз» мавзусида семинар-тренинглар ташкил этилди. Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманларида хотин-қизларни иш билан таъминлаш манзилли дастурининг ижроси ҳамда давлат ва нодавлат секторида меҳнат қилаётган аёллар учун яратилган шарт-шароитлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, Қарши шаҳар, Миришкор ва Муборак туманларидаги тиббиёт бирлашмаларида хотин-қизлар меҳнат ҳуқуқларининг таъминланганлик ҳолатлари ҳамда ишлаш шароитлари ўрганилиб, кенгайтирилган йиғилишларда муҳокама қилинди. Касаба уюшма қўмиталарига аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритилди.

Касби туман тиббиёт бирлашмасида қишлоқ аёлларини касаначилик, ҳунармандчилик каби тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида «Бугуннинг тадбиркор аёли» мавзуида давра суҳбати уюштирилди. Унда 130 нафар ёш тиббиёт ходими, хотин-қизлар ва маҳалла маслаҳатчилари иштироки таъминланди.

Эҳтиёжманд оилалар фарзандларидан 207 нафарига касаба уюшмалари томонидан 2 млн. сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди.

Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни ҳаётга келтириш ва шакллантириш, жамоатчиликнинг тиббий маданияти ва саводхонлик даражасини оширишга қаратилган кенг кўламли ахборот-тарғибот ишлари амалга оширилди. Деҳқонобод, Ғузор, Қамаши туманларида 20 га яқин давра суҳбатлари ташкил этилди.

500 дан ортиқ хотин-қизларнинг тарихий шаҳарларимиз — Бухоро, Термиз, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Хоразмга туристик саёҳати уюштирилди.

Хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида спорт мусобақалари ташкил этилиб, шахмат-шашка, сузиш бўйича турнир ўтказилди. Унда икки мингдан ортиқ хотин-қиз иштирок этди.

Хотин-қизлар комиссияси томонидан муассасаларда меҳнат қилаётган аёлларнинг иш ўринлари, уларга яратилган шароитлар, меҳнатига ҳақ тўлаш, аёллар билан содир бўлган бахтсиз ҳодисалар оқибатлари, уларга зарар тўловларнинг ўз вақтида берилишини алоҳида назоратда. Бу йилги ишларимизни «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар асосида янада жонлантиришни режалаштириб олганмиз.

Гулнорахон АБДУЛЛАЕВА, Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси:

— Бугуннинг аёллари оиласи тақдирини юрт тақдирида кўради. Фарзандларини Ватан хизматига яроқли қилиб тарбиялайди, ўз иқтидори ва меҳнати билан яшаб турган заминини гулларга буркайди. Орзу-мақсадлари юрт келажаги ва равнақи билан муштарак ана шундай фидойи, куйинчак аёлларимизни қўллаб-қувватлаш зиммамизга катта масъулият юклайди. Зеро, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида олдимизда турган муҳим вазифалар, қилиниши лозим бўлган тадбирлар режаси аниқ белгиланган.

Эзгулик тимсоли ардоққа лойиқ

Қиладиган ишларимиз жуда кўп. Бўсағада Хотин-қизларнинг севимли байрами. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қарори асосида «Аёлни қадрлаш — миллатни қадрлаш» шиори остида 300 дан зиёд тадбирлар ўтказиш режалаштирилган бўлиб, жумладан, «ЖМ-Ўзбекистон» қўшма корхонасида 300 дан зиёд аёл иштирокида «Қизлар беллашуви», «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловлари ҳамда Хотин-қизлар спартакиадаси ташкил этилиб, байрам дастурхони ёзилади.

«Андижонкабел» қўшма корхонасида 440 нафар аёл меҳнат қилади. Байрам муносабати билан уларнинг ҳар бири корхона томонидан молиявий рағбатлантирилади. Таниқли ёзувчи ва шоирлар билан «Аёлни улуғлаш — миллатни улуғлаш» мавзуида учрашув ўтказилади.

Андижон Давлат тиббиёт институтида ҳам 1200 дан зиёд хотин-қизларга байрам муносабати билан маданий тадбир ташкил этилади, 20 нафар фаол хотин-қизлар ва 15 нафар фахрий аёллар рағбатлантирилади.

«Ўзбекистон почтаси» Андижон филиали ҳамда «Андижон-Телеком» ташкилотлари ўртасида «Соғлом аёл — соғлом фарзанд» шиори остида 3 босқичли спорт мусобақалари уюштириш кўзда тутилган бўлиб, унда 272 нафар аёл иштирок этиши кутилмоқда.

Айни кунларда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси соврини учун «Хотин-қизлар спартакиадаси»га тайёргарлик давом этмоқда. Унда тармоқ касаба уюшмалари шаҳар, туман кенгашлари, бирлашган ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари меҳнат жамоаларида ташкил этилган мусобақалар ғолиблари қатнашади.

Байрамга бағишланган тантанали тадбирларни юқори даражада ташкил этиш, концерт дастурлари уюштириш, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари ва спорт мусобақаларини ўтказишда хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлиги таъминланмоқда.

Тадбирлар доираси кенгайди

Нодира АЛИМОВА, Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси:

— Имкониятларимиз доираси кенгаймоқда. Вилоятимизда ўтаётган кўргазмаларда чекка қишлоқлардан келган ҳунарманд аёллар бежирим маҳсулотлари билан қатнашиб, хорижлик меҳмонларни ҳайратга солаяпти. Оиласига мададкор, фарзандларига фидойи, маҳалласи ва юртининг гуллаб-яшнашига муносиб улуш қўшаётган бундай аёллар ҳамиша касаба уюшмаси эътиборида. Хотин-қизларнинг меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳуқуқлари ҳимояси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби муҳим жиҳатлар ҳамиша комиссиямиз эътиборида. Чунончи, аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш, оилада эркаклар масъулияти, оила муқаддаслиги каби қадриятларни тушунтириш учун бор куч-ғайратимизни сарфлаяпмиз. Жойларда соғлиқни сақлаш бошқармаси, репродуктив саломатлик маркази, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари, қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари, дин вакиллари билан ҳамкорликда аниқ жадвал асосида долзарб мавзуларга доир учрашув ва суҳбатлар ташкил этилгани яхши натижа бермоқда. Тармоқлар тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда «Саломатлик» гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, ишловчилар, жумладан, аёллар ўртасида шахмат, стол тенниси, енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказиб келинаётир.

Кўзда тутилган тадбирлар ижроси жараёнида аҳолининг кенг қатламлари маданий-маърифий учрашувлар, жонли мулоқот, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар доираси тобора кенгайди. Жумладан, «ДЭУ текстайл Бухара» хориж корхонаси МЧЖда «Аёл ва ҳуқуқ» мавзуида ўтказилган тадбир кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Яна бир ибратли жиҳат, бу меҳнат жамоалари орқали кўрсатилаётган ғамхўрлик доираси йил сайин кенгайиб бораётганлигидир. Масалан, ўтган йили корхона ва ташкилотларда фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача тўлгунга қадар таътилда бўлган 532 нафар ёш оналарга 62 миллион 714 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги корхона,ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 607 нафар 3 ёшгача боласи бор аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди. Бунинг учун корхоналар ҳисобидан 25 млн. 309 минг сўм сарфланди. Ишлайдиган кўп болали ва кам таъминланган оилага мансуб 20 нафар аёлга, шунингдек, фарзанд кўрмаган 10 та ёш оиланинг ишлайдиган аъзоларига «Умид гулшани» санаторийсига имтиёзли йўлланмалар берилди.

Бугун барча диққат-эътибор «Соғлом бола йили» дастурига киритилган вазифалар ижросига қаратилган. Бунинг учун жамоа келишувлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот, муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларига хотин-қизларга хавфсиз меҳнат, дам олиш шароитлари яратиб берилишига эришилмоқда. Аёллар меҳнатига муносиб ҳақ тўланиши, қўшимча имтиёзлар берилиши, уларнинг ҳуқуқий маданиятларини ошириш, маданий-маърифий йўналишдаги тадбирларда иштирок этиши учун имкониятларнинг кенгайтирилиши масалалари киритилишига эришиш ва белгиланган вазифаларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш чоралари кўрилмоқда.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мамлакатимиз парламенти томонидан ҳар йили қабул қилинадиган Давлат бюджетида ижтимоий харажатлар улуши йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда ушбу рақам 60 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Юқорида ижтимоий барқарорлик, ижтимоий шериклик ва ижтимоий масъулият ҳақида фикр юритганимизнинг боиси шундаки, ҳозирда мамлакатимизда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилаётган инвестициялар, чунончи, хориж инвестициясининг улуши кўпаймоқда. Яъни турли тижорат мақсадини кўзлаган лойиҳалар билан бир қаторда, жойларда, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, улар учун илғор социал хизматлар кўрсатишни йўлга қўйишга йўналтирилган инвестициялар ҳажми ҳам ортмоқда.

Маълумки, инвесторлар ўзўзидан ижтимоий соҳага сармоя йўналтиравермайди. Улар имкон қадар сердаромад ёки халқаро бозорларда талаб катта бўлган соҳаларга инвестиция киритишдан манфаатдор. Аммо юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликка ишонч ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан узоқни кўзлаб амалга оширилаётган тараққиётнинг «ўзбек модели», қолаверса, мустаҳкам қонунчилик асослари инвесторлар учун кафолат бўлиб хизмат қилади.

Биргина мисол, фақат 2013 йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,8 баробарга ўсди. Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея ўртасида шу кунларда имзоланган 103 млн. долларлик кредит битими ҳам шундан далолатдир. Унинг доирасида пойтахтимизда жаҳон стандартларига жавоб берадиган кўп тармоқли махсус болалар шифохонасини барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Юртимизда амал қилаётган ижтимоий сиёсат фуқароларга муносиб турмуш тарзини яратиш, жамиятда адолатли муносабатларни жорий қилиш, қолаверса, аҳолининг ижтимоий ҳимоя-га муҳтож қатламини ишончли ва манзилли қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмларини яратишни кўзда тутади. Жаҳон оммавий ахборот воситалари таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ёшлар учун яратилган ижтимоий шароитлар ривожланган давлатлар мутахассислари томонидан эътироф этилиб, мамлакатимиздаги ижтимоий сиёсатни ўз юртларида намуна сифатида қўллашни тавсия қилаётир. Бунга «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан навқирон авлод саломатлигига энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган 161 мамлакат орасидаги дунё рейтингида Ўзбекистон 9-ўринни эгаллаганини ёрқин мисол сифатида келтириш мумкин.

Албатта, эришаётган ютуқ ва натижаларимизни мустаҳкамлашда давом этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, шу билан бирга, Президентимиз белгилаб берган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда парламентимизнинг масъулияти янада ошади. Айниқса, ушбу йўналишда Сенат томонидан тасдиқланган 2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини изчил амалга ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, парламент томонидан ўтган йили қабул қилинган қонунларда ёшларни, хусусан, касб-ҳунар коллежларини битирувчиларини ўзи эгаллаган мутахассислиги бўйича кафолатланган иш ўринлари билан таъминлашга оид талабларнинг белгиланганлиги Ўзбекистонда аҳолининг, айниқса, коллеж битирувчиларининг бандлиги масаласи устуворлигидан далолат.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳам ўз фаолиятида, аввало, парламент юқори палатаси ялпи мажлисларида кўриб чиқилиши учун киритилаётган қонунларда айнан ижтимоий соҳа устуворлиги таъминланаётир. Бунда, айниқса, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб ёндашилаётгани диққатга сазовор. Айни пайтда Бандлик дастурларининг жойларда ижро этилиши устидан парламент назоратини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу жараёнга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакиллари фаол жалб қилинаётгани назорат-таҳлил фаолиятимизда аниқланган кўплаб муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш, бу борадаги ишларни депутатларнинг назоратига олиш имконини бераётир. Жумладан, ўтган йили халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши билан ҳамкорликда 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ҳудуддаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Ушбу назорат-таҳлил натижаларига бағишланган йиғилишда вилоятда мазкур Дастур ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани таъкидланди. Айниқса, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳунармандчилик ва анъанавий халқ амалий ижодиётини ривожлантириш натижасида 9 831 нафар киши ишга жойлаштирилгани сенаторлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Шу билан бирга, Дастур ижроси билан боғлиқ айрим камчиликлар борлигига эътибор қаратилди. Чунончи, ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда йўл қўйилаётган сусткашликлар охир-оқибат янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётгани айтиб ўтилди. Бундай қатъий ёндашув ҳар бир назорат-таҳлил фаолиятимиз моҳиятига сингдирилган.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишида мамлакатни узоқ муддатли ривожлантириш дастурий мақсадларида энг муҳим вазифалар қаторида, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, иш ўринларини шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимини янада кенг ислоҳ қилиш ҳамда такомиллаштиришни белгилаб берди. Бунда Соғлом бола йили учун белгиланган вазифаларни кенг кўламда бажариш лозим бўлади.

Шак-шубҳасиз, сенаторлардан ушбу вазифаларни, қолаверса, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш йўлида қатъий чора-тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади.

Қўмитамиз ҳам жорий йилда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2013 йилда иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг мамлакат минтақаларида ижро этилиши тўғрисида парламент эшитуви ўтказилишини режалаштирган. Шу билан бирга, соҳага оид кўплаб қонунлар ижроси бўйича парламент назоратини амалга ошириш мақсадида қатор чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатни олиб бориш учун барча қонуний асослар, ҳуқуқий механизмлар яратилган. Янада эътиборли жиҳати, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, хотиржамлик, ижтимоий барқарорлик олдимизга қўйилган мақсадлар сари дадил қадам ташлашни, тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида изчил ривожланиш йўлидан қатъий боришга кенг имкон беради. Бу йўлда масъулият, ташаббускорлик ва фаоллик кўрсатиш ҳар бир халқ вакилининг бош вазифасидир.

Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

Семинар

Сўнгги пайтларда ходимлар учун хавфсиз ва қулай меҳнат шароити яратиш, бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олиш, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги бўйича масъулларнинг тайинланиши бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин барча таълим муассасаларида ҳам бу борадаги ишларни қониқарли деб бўлмайди. Аксарият бошланғич ташкилот етакчиларининг меҳнат муҳофазаси бўйича билим ва кўникмалари етарли эмас. Шуни инобатга олган ҳолда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз туман кенгаши тумандаги 100-умумтаълим мактабида намунавий кўргазмали семинар ташкил этди.

Муносиб меҳнат шароити

Семинардан кўзланган мақсад туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раёсати ўртасида қабул қилинган меҳнат муҳофазасига оид қўшма қарорнинг мазмун-моҳиятини таълим муассасалари раҳбарлари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш вакилларига тўлақонли етказишдан иборат. Семинар иштирокчилари 100-мактабда йўлга қўйилган меҳнат муҳофазаси тадбирлари билан яқиндан танишдилар. Яъни, меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ кимё, физика, компютер хоналари, қизлар ва ўғил болаларга мўлжалланган меҳнат синфлари, ораста қизларга ажратилган дам олиш, тиббиёт хоналаридаги шароитларнинг гувоҳи бўлишди. Туман кенгаши томонидан тайёрланган видеоёзув намойиши ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Зарарли меҳнат шароитида ишлайдиган ходимларга таътил ёки қисқартирилган иш кунлари белгиланиши ҳақида тушунча берилди. Махсус кийим, пойабзал ва бошқа ҳимоя воситаларини бепул оладиган касб ва лавозимлар рўйхати таништирилди. Шунингдек, меҳнат шароити ноқулай бўлган ходимларга ювиш воситалари ажратилиши ҳамда бу ишга жавобгар лавозимлар тўғрисида маълумот келтириб ўтилди.

Тадбирда туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими мутахассиси Х.Тошев мавзу бўйича атрофлича тўхталди. Ёнғин хавфсизлиги ходими М.Остонов ўз йўналишида тушунтириш берди.

— 100-мактабнинг меҳнат муҳофазаси вакили Равшан Қурбонов тажрибали мутахассис, касаба уюшма қўмитаси раиси Муяссар Субҳонова ҳам изланувчан етакчилардан, — дейди тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Саъдулло Абдуллаев. — Семинарда бошланғич ташкилотлардаги вакилларимизга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди. Давлатимиз иқтисодий жиҳатдан ривожланмоқда, қонунларимиз ҳам пухта ишлаб чиқилмоқда. Демак, хавфсиз иш ўринлари яратиб, меҳнат муҳофазаси тадбирларини изчил амалга ошириш вақти келди. Таълим муассасаларида бу борада олиб борилаётган ишларни йилда икки марта йиғилишларимизда таҳлил қилишга келишиб олдик.

— Меҳнат муҳофазаси жамғармаси маблағларини мактаб шароитида иқтисод қилиб бўлмайди, — дея суҳбатга қўшилди 100-умумтаълим мактаби директори Муҳиба Собирова. — Лекин иккиламчи қора металл (металлом) ва қоғоз маҳсулотлари топширишдан тушадиган маблағлар, оталиқ ташкилотлар ҳамда ота-оналар қўмиталари чиқарган қарорлар асосида жамғарма маблағларини шакллантириш мумкин. Жорий йилда шулар ҳисобидан 21 миллион сўмга яқин маблағни жамғариш режалаштирилган.

Намунавий кўргазмали семинар ўз самарасини бериши шубҳасиз. Зеро, меҳнат муҳофазасига қаратилган чора-тадбирлар ортида инсон ҳаёти ва саломатлигини асраш мақсади турганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоалари Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимовага укаси

Бахтиёр РАҲИМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Матбуот анжумани

Миллий матбуот марказида «Республикада соғлом рақобатни ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Адлия вазирлигининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ишбилармонлик муҳити

Маълумки, бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири республикада соғлом рақобатни ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашдан иборат. Юртимизда хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзловчи ва уларнинг талабига тўлиқ жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий база яратилганлиги бунда қўл келмоқда.

Кичик бизнес субъектларини давлат органлари билан электрон тарздаги алоқалари йўлга қўйилган. Хусусан, интерактив хизматлар жорий қилиниб, бизнесни ташкил этиш учун тадбиркорлар интернет орқали рўйхатдан ўтиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистон бизнесни юритиш кўрсаткичи бўйича Жаҳон банки рейтингига мувофиқ 66 позицияга кўтарилиб, 189 мамлакат ичида 21-ўринни эгаллаб турганлигининг ўзи соҳага холис баҳо беради.

Юртимизда амалдаги қонунчиликнинг бузилиши бўйича жавобгарлик бевосита мансабдор шахслар зиммасига юклатилган. Натижада, қўлланиладиган жарима санкциялари бизнес субъектларининг молиявий ҳолатига салбий таъсир этмайди.

Фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини бизнес субъектларига ижарага бериш қўлами деярли 2 мартага оширилди. Охирги уч йил мобайнида бизнес субъектлари томонидан қўшимча 44 мингта янги иш ўрни барпо қилинди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг хом ашё ва материаллардан эркин фойдаланиши таъминланмоқда. Ўзбекистонда МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни биржа савдолари орқали сотиш йўлга қўйилди. Натижада, кичик бизнес субъектлари ҳеч бир тўсиқларсиз юқори ликвидли хом ашё ва материаллардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Табиий монополия субъектлари ва давлат корхоналари томонидан корпоратив электрон харидларни амалга оширишнинг янги тартиби жорий этилди. Бугунги кунга келиб сотувга қўйилган маҳсулотларнинг деярли 98 фоизи тадбиркорлик субъектларидан сотиб олинмоқда.

Мухтасар айтганда, соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар алоҳида олинган тармоқларда рақобат муҳити яратилишига имкон яратди. Масалан, транспорт терминаллари хизмати бозорига хусусий тадбиркорлик субъектларининг кириши натижасида ушбу хизматлар табиий монополия соҳасидан чиқарилди.

Матбуот анжумани якунида мутахассислар оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Ислам ва дам

АҚШнинг Калифорния штатида яшовчи эр-хотин қиймати 10 миллион долларлик хазина топиб олишди.

Кутилмаган топилма

Уйлари яқинида итларини сайр қилдириб юрган жуфтлик шохлаб кетган дарахт ёнида олтин танга билан тўла челак топишди. Унда 1847-1897 йиллардан қолган 1,4 мингта танга бўлган. Санта-Ана шаҳрида нумизматика билан шуғулланувчи Дэвид Холл буни расман тасдиқлаган.

Холлнинг сўзларига кўра, тангалар орасида баҳоси 27 минг ва ҳатто миллион доллардан ҳам қимматлари мавжуд. Жуфтлик журналистлардан ўзларининг исми ва хазинани қаердан топишганлигини сир сақлашни сўрашган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги ҳисоботида келтирилишича, дунё аҳолисининг 5 фоизи — 360 миллион киши, жумладан, 32 миллион бола эшитишнинг бузилиши ёки карликдан қийналади.

Олдини олиш мумкин

Ҳисобот муаллифлари бундай ҳолатларнинг ярмида эрта ташхис орқали муаммонинг олдини олиш мумкин бўлганини таъкидлашди. Дунёда 65 ёшдан катта кишиларнинг тахминан ҳар учинчиси эшитишни йўқотишнинг у ёки бу шаклига чалинган. Уларнинг кўпчилиги ночор давлатларда яшайди. Қулоғи оғирлик туғма ёки қизилча ва орттирилган (айрим юқумли касалликлар, туғруқ пайтидаги асоратлар, ортиқча шовқин, кексалик оқибатида) бўлиши мумкин.



Британияда янги Phete деб номланувчи ёлғонни аниқловчи детектор кашф қилинди.

Ёлғонламанг, фойдаси йўқ

Мазкур компьютер дастури интернетда чоп этилган хабарни ёлғон ёки рост эканини аниқлайди. Таҳлил учун унга матндан кичик парча — 140 белги ҳам кифоя. Дастур асосчиларининг айтишича, дастурнинг, биринчи ўринда, ижтимоий тармоқдаги ёлғон хабарларни аниқлашда полиция ходимларига катта ёрдами тегади.

Янги детектор 140 та ҳарфнинг ўзидаёқ хабар рост ёки ёлғон эканлигини аниқлайди.

Хулосага келишдан аввал дастур сониялар ичида хабар муаллифини аниқлайди ва унинг бошқа постларига нисбатан баҳо беради. Агарда профил бир кун аввал очилган бўлса, у ҳолда хабар асоссиз бўлиши мумкин.

Шунингдек, агар хабар бошқа манбаларда ҳам чоп этилган бўлса, дастур бу ҳақида маълумот беради.

Ушбу дастур бир ярим йилдан кейингина тўлақонли ишлаши мумкин. Дастур кашфиёти 3,5 миллион фунт стерлингга тушади. Маблағни Европа иттифоқи ажратиши ҳақида хабар қилинмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Касаба уюшма ташкилотларида

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъати ҳамда ЎзКУФК Раёсати томонидан ишлаб чиқилган «Касб касалликларининг олдини олиш юзасидан тиббиёт профилактика муассасалари ва касаба уюшмаларининг тавсиялари»да корхоналарда касб касалликларининг олдини олиш, ўз вақтида ва илк босқичларида ташхислаш, беморларнинг тиббий ва меҳнат реабилитацияси самарадорлигини ошириш учун зарурий чора-тадбирларни жамоа шартномалари, келишувларга киритиш, уларнинг бажарилишини қатъий назоратга олиш белгиланган. Ушбу долзарб вазифани амалга ошириш юзасидан Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши қатор ишларни олиб бормоқда.

Ғамхўрлик

— Шаҳар ҳокимлиги, бирлашма кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ўртасида имзоланган келишув ҳамда бирлашма кенгаши раёсати ҳамда шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг қўшма қарорини тўлақонли бажариш мақсадида пойтахтимиздаги туманларда мониторинг ишлари бошлаб юборилди, — дейди бирлашма кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Равшан Маҳамадалиев. — Бу борада шаҳар ҳамда туманлар ҳокимликлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш шаҳар бош бошқармаси ва туман бўлимлари, молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман бўлимлари, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимидаги оилавий поликлиникалар, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлимлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқдамиз.

Мониторинг жараёнида 300 нафардан зиёд бемор билан учрашилиб, уларнинг 50 нафарига республика соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-гигиена касб касалликлари клиникасида даволаниши учун йўлланмалар берилди.

— Беморларга нафақат йўлланмалар тарқатиляпти, — дейди Равшан Маҳамадалиев, — балки улар соғлигига етказилган зарар учун товон пули тўланиши ҳам назорат қилиб борилмоқда.

Касаба уюшмаларининг турли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошираётган ушбу эзгу ишлари жамиятда касб касаллигига чалинганлар сонини камайтиришга хизмат қилади.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 4-mart № 29 (3378)

Байрам дастурхонига

Ҳа, ишонаверинг. Олтиариқлик тадбиркор, чинакам меҳнаткаш узумчилар хотин-қизлар байрами кунлари дастурхонни ишкомдан янги узилган узум бошлари билан безатишга ҳозиру-нозир бўлиб турибдилар. Нима ҳам дердик, боғдорчилик ва соҳибкорликда олтиариқликларнинг таърифи дунёга кетган.

Баҳорда... ишкомда узум

Дарҳақиқат, туманнинг қайси қишлоқ ёки маҳалласига борманг, кўча-ю уй атрофлари, томорқада токзорларга кўзингиз тушади. Боғбонлар бир-бири билан кимўзарга узум етиштириш борасида беллашаётгандек. Миришкорларнинг қўлида йилнинг тўрт фаслида ҳам ток қайчи. Улар қишин-ёзин ток ишкомларига парвона.

Олтиариқ қишлоғининг Чинортаги маҳалласида яшовчи Ҳусанбой ака Ғофуровлар оиласи томорқадаги узумзордан мўл ҳосил олишда чор-атрофдагиларга ўрнак бўлиб келмоқда. Улар йилнинг тўрт фаслида ҳам уйга кирган меҳмонга ишкомдан узум узиб, дастурхонга тортади. Қиш чилласида ҳам ишкомда узум сақлаш оиланинг каттаси, раҳматли Абдулло бободан мерос қолган. У киши томорқасида турли узум навлари етиштирар ва қиш мавсумида ҳам узумни сўритокда сақлаши билан машҳур эди. Бу анъанани унинг ўғли Ҳусанбой ака давом эттиряпти.

* * *

Хонадонда бўлганимизда, тепаси ва атрофлари ўралган сўритокларда худди куздагидай катта-катта бошли узумлар болга тўлиб турганининг гувоҳи бўлдик. «Келинбармоқ» ва «Ҳусайни» навли узум бошлари токларда аста чайқалади.

Олтиариқлик миришкор боғбонлар одатда узум пишиб етилганда, аввало, ҳар бир бошини алоҳида тоза қоғоз билан ўрашади. Октябр ойи ўрталарида эса токзорнинг ўзи ҳам маккажўхори боғлари, турли газлама ва асосан қалин плёнка билан тўкис ўралади. Пайдо бўлган ғаройиб уй ичини зарур бўлганда иситиш учун махсус асбоблар ўрнатилади. Албатта, кейинги йил ҳосилига путур етказмаслик учун мева бошларининг бир қисми октябр ойи охирларида узиб олинади.

— Узумни қишга сақлаш учун ток парвариши эрта баҳордан кеч кузгача алоҳида тарзда олиб борилади, — дейди Ҳусанбой Ғофуров, — Агар ток турли касалликларга чалиниб, зарарланган бўлса, уни қишга асрашнинг иложи йўқ. Иккинчидан, пишиқчилик даврида узумга ёмғир тегмаслиги керак. Чунки ёмғир узум доналаридаги ҳимоя воситаси — крахмал қатламини ювиб кетади. Бундай узум узоқ муддат турмайди. Бундан ташқари, узумзор таглари ҳар йили кузда, албатта, чопилади, ўғитланади. Тупроқдаги турли зараркунандалар йўқотилади. Декабр, январ, феврал ойларида ҳар куни узумзор кўздан кечирилади, зарур чоралар кўрилади. Ахир ота-боболаримиз «Ерни боқсанг, ер сени боқади», дея бежиз айтишмаган.

Олтиариқ туманидаги Эскиараб қишлоғилик Шерали Ҳомидов, Искандар Нуролимов, Мўмин Мусаев, Янгиқўрғон қишлоғилик Иброҳим Раҳимов ва бошқа кўплаб хонадонларнинг узумзорлари ҳам болга тўлиб, одамни ўзига чорлайди. Ўнлаб, юзлаб хонадонларда қаҳратон қиш кунлари ҳам олтиндай узум халқимиз дастурхонига туҳфа этилди.

Ҳозир қиш фаслида токда узум асрашнинг янги усуллари кашф этилмоқда. Масалан, кейинги йилларда узумни қишга полиэтилен идишларда асраш урф бўляпти. Байрат шаҳарча фуқаролар йиғинида яшовчи врач Абдулазиз Раҳмонов нафақага чиққач, узумни қишга асрашнинг янги усулини топди. У одатда бир ёки ярим литр сиғимли идишларни сувга тўлдириб, маълум миқдорда шакар ташлайди. Сўнг бир ёки икки бош етилган узуми бор ток новдасини 10 сантиметр узунликда кесиб, шу идишга солиб қўяди. Идишлар ҳарорат бир хил тарзда сақланадиган хонага териб қўйилади. Шу тариқа узум феврал-март ойларигача токдаги янги узумдай сақланади. Бу усул ҳозирда кўплаб хонадонларда қўлланилмоқда.

Айни пайтда Олтиариқда узумни қишда асрайдиган замонавий, улкан мева асраш музлатгичлари ҳам ишлаб турибди. Шу билан бирга, аҳоли кичик, ўзига хос музлатгичлар, тепаси ва атрофи ўралган токзорларда узумни узоқ вақт сақлаш усулларини қўлламоқда.

Ш.ТЎХТАМАТОВ,
А.ИБОДИНОВ,
Олтиариқ тумани

Спорт оламида

ТЕННИС

Теннисчимиз Албина Хабибулина Остона шаҳрида Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан ўтказилган турнирнинг жуфтлик мусобақаларида зафар қучди.

ОМАДЛИ АНЪАНА

У қирғизистонлик Ксения Палкина билан ҳамкорликда финалда Камила Керимбаева (Қозоғистон) ва Вероника Капшай (Украина) жуфтлигини икки сетда 6:4, 7:5 ҳисобида енгиб, бош совринни қўлга киритди.

Бу биринчи соврин эмас. Ўтган йилнинг ноябр ойида Хабибулина словакиялик Шамтал Скамлова билан айнан Остонада ўтказилган яна бир халқаро турнирнинг жуфтлик мусобақалари ғолибасига айланганди.

БОКС

Миллий терма жамоамиз аъзоси Камолжон Мелиев Болгариянинг София шаҳрида ўтказилган анъанавий «Странджа» халқаро турнирида барча рақибларини мағлубиятга учратди.

ҒАЗНАМИЗДА ОЛТИН ВА КУМУШ

AIBA қоидалари бўйича ўтказилган мусобақаларда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Россия, Украина, Англия, Уэлс, Италия, Германия, Бразилия, Хитой, Эквадор каби 20дан ортиқ мамлакатдан келган энг кучли боксчилар қатнашди.

49 кг. гача бўлган вазн тоифасида рингга кўтарилган Камолжон финалда ирландиялик Хюман Тагарихуларни 2:1 ҳисоби билан енгиб, мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди.

91 кг.дан ортиқ вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Баҳодир Жалолов финалгача бўлган йўлни мағлубиятсиз босиб ўтиб, ғазнамизга кумуш медал қўшиб қўйди.

БАСКЕТБОЛ

Пойтахтимизда баскетбол бўйича эркаклар жамоалари ўртасида ўтказилган мамлакат кубоги баҳслари қизғин курашларга бой бўлди.

«ЭЛЕКТРОАППАРАТ» — КУБОК СОҲИБИ

Бу йилги мусобақада 12 жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб борди.

Ҳал қилувчи финал учрашувида пойтахтнинг «Электроаппарат» жамоаси Марказий ҳарбий спорт клуби (МҲСК) баскетболчиларини 74:67 ҳисобида мағлубиятга учратиб, Ўзбекистон кубоги соҳиби бўлди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Қашқадарё томонларда

Талимаржон шаҳридаги «Дўстлик» фуқаролар йиғинида Соғлом бола йилига бағишлаб болалар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Ҳар якшанба шундай ўтади

Фуқаролар йиғини раиси Сайфулла Жонимқулов ташаббуси билан ҳафтанинг ҳар якшанбаси спорт байрами куни деб эълон қилинди. Унда миллий кураш, футбол, волейбол, бадиий гимнастика, шахмат-шашка ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар уюштирилиб, ғолиблар ҳомийлар томонидан рағбатлантириб борилади.

— Ёшлар икки жамоага бўлиниб, 4-умумтаълим мактабининг спорт залида ўзларининг чаққонлик ва эпчилликларини намоён этишади, — дейди мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Раиса Бекмуродова.

Оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги

Нуристон шаҳарчасида оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги янада мустаҳкамланмоқда. Ҳудуддаги мактаб, коллеж ва маҳаллаларда аҳил оила соҳиблари, кексалар, шифокорлар, катта тажрибага эга ўқитувчилар билан ёшлар ўртасида давра суҳбатлари, учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади.

Яқинда шаҳардаги 35-мактабда 8-9-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари билан қизларнинг одоб-ахлоқи, ўзини тутиши ҳамда эрта турмушга чиқишнинг салбий оқибатлари хусусида давра суҳбати ўтказилди. Унда «Кимёгар» МФЙ раиси, вилоят кенгаши депутати Гулсум Хуррамова, 35-мактаб хотин-қизлар қўмитаси раиси Шоира Омонова ва бошқалар эрта турмушга чиқишнинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатлари ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Иззат ҲИКМАТОВ

Бор бўл, оқибат!

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг Узун туман бўлими тасарруфидаги «Оқ Остона бобо» зиёратгоҳи ҳамиша гавжум. Халқимиз саховатпеша: хайрия жамғармасига йиғиладиган маблағнинг бир қисми масканни ободонлаштиришга сарфланса, бир қисми кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган ва етим-есирларни қўллаб-қувватлашга ажратилади.

Туҳфа

Хусусан, Узун туманидаги 44-умумтаълим мактабига доимий равишда ёрдам кўрсатиб келинади. Яқинда жамғарма ходимлари Термиздаги 12-«Меҳрибонлик» уйига ташриф буюришди. Тарбияланувчиларга 1,2 млн. сўмлик ўқув қуроллари, спорт кийимлари совға қилинди.

— Соғлом бола йили муносабати билан алоҳида дастур ишлаб чиққанмиз. Жамғармамиз ҳисобига тушаётган маблағ элнинг хайру саховатидан йиғилади, эл берганини элга беришни шиор қилганмиз, — дейди жамғарма туман бўлими раиси Тўйчи Қиличев.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Тараққиёт бўлса, фаровонлик бўлади

«Invest Finance Bank» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2008 йил 22 ноябрда берилган лицензияга асосан фаолият юритмоқда.

Йирик корпоратив мижозлар, кичик бизнес субъектлари ва аҳолига хизмат кўрсатиб келаётган «Invest Finance Bank»нинг мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантиришда ўзига хос ҳиссаси бўлиб, хусусан, реал секторни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор йирик ва социал характерга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштироки билан мижозлар ўртасида ҳурмат қозонган. Бундан ташқари, банк кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришга катта аҳамият қаратаётганини таъкидлаш лозим. «InfinBank» ХОАТБ учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, аёл тадбиркорлар ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Банк томонидан 2013 йил якунлари бўйича ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо-сотиқ, сервис, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқ субъектларига 145,7 млрд. сўм миқдорида кредит йўналтирилди. Шунинг 72 фоизи кичик бизнес субъектларига тўғри келади.

Акмал АББОСОВ,
«AQUA UNIPACK» МЧЖ директори:

— Шуни таъкидлашим лозимки, ҳозирги даврда банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий кўмаклар биз каби тадбиркорлар учун айни муддао бўлмоқда. Ишлаб чиқариш имкониятларимизни чуқур таҳлил қилиб, бизнес-лойиҳам билан «InfinBank»га мурожаат қилдим. Ушбу лойиҳа банк томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада, Шўртан ГКК томонидан ишлаб чиқарилаётган полиэтилен грануласи сотиб олиш учун кредит маблағи ажратилди. Энг асосийси, 9 нафар ишчи-ходимнинг иш ўрни сақлаб қолинди.

Василий ТИМОФЕЕВ,
«BOCHKA S MYODOM» МЧЖ раҳбари:

— Асаларичилик билан шуғулланаётганимга кўп вақт бўлмаган бўлса-да, ўтган қисқа давр мобайнида аҳолининг табиий асалга бўлган талаби юқори эканлигига амин бўлдим. Фаолиятимни янада кенгайтириш учун кредит олиш мақсадида «InfinBank»га бизнес ғоям билан мурожаат қилдим. Зарур ҳужжатларни тақдим қилдим. Натижада, менга кредит маблағи ажратилди. Шундан сўнг аҳолига сифатли, табиий ва шифобаш асал етказиб бериш мақсадида асалари уяларини тоғли ҳудудларга жойлаштирдик. «InfinBank» ХОАТБ ҳозирги даврда жадал ривожланаётган иқтисодий ва ижтимоий йўналишлардаги тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак бераётган етакчи банклардан биридир.

Камолиддин ҚУРБОНБОЕВ,
«KAMRAN TEKS» МЧЖ директори:

— Тадбиркорлик фаолиятини бошлаган давримда корхонамиз фаолияти кенгайиши, ишчилар сонининг ортиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ички ва хорижий бозорлардан ўрин эгаллашига эришиш юксак орзуим эди. Бу борада менга «InfinBank» ХОАТБ томонидан ажратилган кредитлар қўл келди. Бугунги кунда корхонамиз молиявий фаолияти яхшиланди ва экспорт салоҳияти ортиб бормоқда. Ҳозирда корхонада 42 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатяпти.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, «InfinBank» ХОАТБ иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, тадбиркорлик ҳаракатини кенгайтириш йўлида фаол иш олиб бормоқда. Бу эса унинг мамлакат молия бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаб, белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Насиба ИСМАТОВА,
«Ishonch» мухбири

ЎзА суратлари

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 318 | 22448 nusxada bosildi | 1 2 3 4